

- **Соҳавий хизматларда**

ҲИДЛАР ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТАДИ

Жуда кўп соҳаларда хизмат итлари ёрдамига таянилади. Жумладан, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларни топиш, жиноятчининг изига тушиш борасида бу жониворларга тенг келадигани йўқ. Шу боис ички ишлар органлари тизимида кинология соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2019 йилнинг 9 сентябрида республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг кинология хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида республикамизнинг барча ҳудудларида хизмат итлари наслини яхшилаш ва стандарт талабларига мослаш, кўпайтириш, кинология хизматлари гуруҳларини ташкил этиш, фаол кинологларни моддий рағбатлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Ғаллаорол, Зомин, Дўстлик туманларида туманлараро кинология гуруҳлари тузилиб, гуруҳлар жойлашган бино ва иншоотлар замон талабларига мосланди. Натижада жониворларни хизматга ўргатиш шароит ва имкониятлари кенгайди.

— Бу ўзгаришлар жойлардаги хизмат итларини тизимли ўргатиш имконини юзага келтирди, — дейди Жиззах вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг кинология хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Рамз Оқбўтаев. — Бу эса хизмат итларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни иссиқ изида фош этиш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини кучайтиришга омил бўлмоқда. Худди шундай, туманлараро кинология гуруҳларида фаолият кўрсатувчи ходимлар сони оширилди. Яқин кунларда ҳар бир гуруҳ алоҳида хизмат автоуловлари билан таъминланади. Шунингдек, тизимда махсус малака тоифасини белгилаш жорий этилди. Яъни, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни очишда фаоллик кўрсатган кинолог ходимларга кўшимча устама тўланмоқда.

Айтганча, бу йил вилоятнинг Зомин туманида 15 та хизмат итига мўлжалланган питомник қурилиши режалаштирилган. Кейинги йилларда Ғаллаорол ва Дўстлик туманларида ана шундай питомникларни бунёдга келтириш кўзда тутилмоқда.

Гиёҳванд моддаларни излашга кичикроқ итлар танланади

Вилоятдаги ички ишлар органлари учун хизмат итлари тайёрланадиган асосий питомник Шароф Рашидов туманида жойлашган. Бу ерда жониворларни сақлаш ва хизматга ўргатиш учун барча шароитлар яратилган. Питомникда немис ҳамда Шарқий Европа овчаркалари, рус спаниели, лабрадор зотли 73 та хизмат ити сақланмоқда. Жониворлар из қидириш, портловчи ва қурол-яроғларни топиш ҳамда гиёҳванд моддаларни излашга ихтисослашган.

— Итлар хизматга танланаётганида уларнинг ташқи кўриниши, бакуватлиги, суякларининг йириклиги, хид билиш қобилияти, руҳияти инобатга олинади, — дейди кинолог, сафдор Ином Мустаев. — Итлар қисқа вақтда, аниқроғи, ўртача 4 ойда ўз вазифаларини тўла ўзлаштиради. Жониворлар ҳафтада биттадан буйрукни бажаришни ўрганишади. Уларнинг энг асосий иқтидори хид сезишдир. Жумладан, из қидирув итлари қолдирилган кийим, буюм ёхуд излар орқали жиноятчиларни топади. Бу турдаги итлар қидирилаётган шахсни узоқ масофага таъқиб этади, топганидан сўнг унинг қўлидаги қуролни тортиб олишнинг уддасидан чиқади. Портловчи моддаларни қидирадиган итлар эса хид билишдан ташқари босиқ бўлиши керак, яъни, портловчини топгач, ортиқча ҳаракат қилмасдан кинологга белги бериши зарур. Тор жойларга кира олиши ҳисобга олиниб, гиёҳванд моддаларни излашга кичикроқ итлар танланади. Спаниеллар наркотик моддаларни, Шарқий Европа ва немис овчаркалари эса портловчиларни топишни тез ўзлаштиради. Из қидиришни немис овчаркалари қойиллатишади. Хизмат итлари билан ҳар куни машғулот ўтказилиши шарт. Чунки, ит машқ қилишдан тўхтаса, ўрганганларини 3-6 ойда унутиб юборади. Улар 1 ойлигидаёқ муайян кинологга бириктирилади. Хизмат ити 10 йил давомида тўлақонли фаолият кўрсатади.

Табиийки, жониворларга алоҳида эътибор зарур. Улар кунига икки марта рацион асосида озиклантирилади. Турли касалликларга қарши эмланади, яшаш жойи тез-тез дезинфекция қилинади. Жониворлар вақти-вақти билан 4 ойлик курсларда пойтахтдаги кинология маркази мутахассислари кўмагида хизмат сирларини ўзлаштиришади.

Кинологлар учун иш эрталабки йиғинда вазифаларни тақсимлашдан бошланади. Уларнинг бир қисми постларга кетсалар, айримлари жиноят жойига чиқадилар. Одатдагидек, қобилиятли ва тажрибали жониворларга мураккаб ишлар топширилади. Герда, Лиза ва Рекс лақабли итлар қатор жиноятларни очиб, соҳа вакилларининг мушкулларини осон қилишган. Улар томонидан фош қилинган жиноятлар қатъий тартибда қайд этиб борилади. Қуйида уларнинг баъзилари билан танишасиз.

20 ёшли қотил

Жиззах шаҳрининг Ҳамид Олимжон номли маҳалласида қотиллик содир этилгани тўғрисидаги хабардан сўнг тергов-тезкор гуруҳи ўша хонадонга зудлик билан етиб борди. Тартибга мувофиқ, эксперт-криминалистлар воқеа жойини кўздан кечира бошладилар. Худди шундай, кинолог Герда лақабли хизмат ити билан жиноятчини қидиришга киришди. Ит ҳодиса содир бўлган айвондаги “Labo” автуловини хидлар экан, бирдан кўчага интилди. Кинолог сездикки, Герда жиноятчи изини топган.

Хизмат ити эгасининг етовида кўча бўйлаб чопа бошлади. Юз метрлар масофани босиб ўтгандан сўнг чеккадаги буталар орасидан телевизор топилди. Ит яна олдинга интилди. Икки юз метрдан сўнг қон доғлари бўлган очқич (отвёртка) топилди. Ўша кунёқ телевизор ва очқичда қолдирилган бармоқ излари орқали жиноятчи ушланди. Эътиборлиси, қотил қурбоннинг ўғли билан бир синфда ўқиган 20 ёшли йигит бўлиб чиқди...

Синфдошининг отаси “Nexia” автомашинасини сотгани ва пул уйда сақланаётганини эшитган Шоҳмирзанинг нияти бузилди. Кечаси, ҳамма ухлагач, пулни ўғирлаб, бир муддат Қозоғистонга кетиш режасини тузди. Қайтгач, “пул ишлаб келдим”, дейди-да “Nexia” сотиб олади.

Ана шу қора ўйлар оғушида тун соат 2 лар атрофида Шоҳмирза синфдошининг ҳовлисига девор ошиб кирди. Бир муддат аланглаб, атрофни кузатди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, бостирмадаги “Labo” автомашинасининг ичидан пул қидира бошлади. Кутилмаганда уй эшиги очилиб, кимдир кўринди. Ўғри эгилиб автоулов салонига яширинмоқчи бўлди. Бахтга қарши хонадон эгаси “Labo”даги шарпани кўрганди, чироқни ёқди. Шоҳмирза синфдошининг отаси яқинлашаётганини сезгач, автоулов саломидаги очқични қўлига олди.

Тадбиркорнинг чекиниш нияти йўқ эди, ўғрига ташланди. Йигит бўлса, очқич билан уй эгасининг бўйнига, бошига зарба берди. Жароҳат туфайли у хушини йўқотди. Ўғри нима қилишни билмай бироз кутди, уйдан ҳеч ким чиқмади. Бу пайтда қонга беланиб ётган жабрланувчининг юзидан тириклик белгилари ғойиб бўлганди.

Хавф йўқлигини ҳис этган Шоҳмирза бироз иккиланиб уйга кирди. Хонадонда ҳеч ким кўринмади. У шоша-пиша пул бўлиши мумкин жойларни титкилашга киришди. 15 миллион сўм айтарли беркитилмаган, унга ҳозирлаб қўйилгандек юзада турарди. Пулларни сумкага жойлаб, қимматбаҳо буюмларни қидиришга тушди. Ҳеч нарса топа олмагач, телевизорни қўлтиқлаб олди. Энди бир амаллаб уйдан узоқлашса бўлди.

Бироқ олишув вақтидаги бақир-чақирлар қўшнилардан бирини уйғотиб юборганди. Хавотирланиб кўчага чиққан қўшни тадбиркор дўстининг дарвозаси эшигини тортди. Очилмагач, ҳаммаси жойида бўлса керак, деган хулоса билан ортга қайтганида қўшнининг дарвозаси шақирлаб, бир қўлида сумка, иккинчисида телевизор тутган йигит кўринди.

Гап нимадалигини англаган эркак одамларни ёрдамга чақира бошлади, табиийки, ўғри қочишга тушди. Озроқ чопгач, югуришга ҳалақит бераётган ва бошқарларнинг эътиборини тортиши мумкин бўлган телевизорни ўт ва буталар орасига улоқтирди.

Шоҳмирза пулларнинг асосий қисмини уйига яширгач, “Қайдасан Қозоғистон” дея йўлга чиқди. Аммо ўзининг бармоқ излари тушган буюмларни Герда аллақачон топганлигини, шу куниёқ ички ишлар ходимлари уни қидиришга киришганлигини, оқибатда йўлда қўлга тушишини билмасди.

Герда яна адашмади

Шароф Рашидов туманидаги Куёвбоши қишлоғида яшовчи Азамат устачилик билан шуғулланади. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганларидек қанчадан қанча одамларга турар жой қуриб берган, аммо ўзининг чала битган уйини қуришга вақт топа олмайди. Озроқ жамғариб қўйгани бор. Худо хоҳласа, бу йил ёзда хонадони томини шиферлайди, сувоқ-бўёқ ишларини тугаллайди.

Шу ўйлар билан ҳамқишлоғиникида лой қораётган Азаматнинг хаёлини уяли телефон овози бузиб юборди. Зормандани қулоғига тутиши билан қўшнисининг ҳовлиққан овози эшитилди: “Азамат биров томингнинг орқасини лом билан тешиб, уйингга кирибди, яширган-юширганинг йўқмиди, ишқилиб?”...

Азамат яшаш жойига қандай етиб борганини билмайди. Ахир топган-тутгани хонасидаги сандикда эди-да. Пулини ўғирлатган бўлса, тамом, бу йил ҳам уйи битмай қолади. Ким экан, у ноинсоф. Аммо айб ўзида, қўшниқўшнига озроқ жамғариб қўйганим бор, деб бир неча марта гапирган. Бўлмаса, келиб-келиб уникага ўғри тушармиди? Қизиғи, ўзидан олдин ички ишлар ходимлари етиб келишибди, қўшнилари яхши-да, дарров телефон қилишган.

Дарҳақиқат, қишлоқнинг чеккасида жойлашган уйнинг орқа девори киши сиғарли даражада ўйилган ва Азаматнинг йиққанлари ғойиб бўлганди. Ички ишлар ходимлари ўғри шу атрофдан топилишига амин эдилар. Пул борлиги-ю, хонадоннинг қаровсиз қолдирилишини бу ердагилардан бошқа яна ким билиши мумкин?

Хизмат итига из олиш топшириғи берилди. Герда силтанганча қўшни қўчадаги, икки юз метр олисида жойлашган уйга бошлаб борди. Хонадон эгаси қўриниши билан ит қаттиқ вовуллаганча ташланди. Кўп ўтмай ўғирланган пул шу уйдан топилди, гумонланувчи эса сандикдаги тугунчани кечаси қандай олиб чиқиб кетганлигини батафсил гапириб берди.

Шу тариқа кинологлар ўз хизмат итлари билан жиноятларни фош этмоқдалар. Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўтган йили хизмат итлари кўмагида 110 та жиноят очилди. Шундан 40 таси гиёҳвандлик воситалари, 2 таси қотиллик, 2 таси талончилик, 2 таси босқинчилик, қолганлари ўғрилиқ билан боғлиқ жиноятлардир.

Хизмат итлари ёрдамида йўл патруль хизмати масканлари, блок ва тўсиқ чегара постлари, кўча ва жамоат жойлари, оммавий тадбирлар, темир йўл вокзали каби қатор объектларда профилактик тадбирлар амалга оширилиб, жамоат хавфсизлиги таъминланмоқда. Бу жараёнда жониворлар автоуловлар ва фуқароларни текширишга жалб этилади. Яъни, хизмат итлари курол-яроғ, портловчи ва гиёҳванд моддалар, экстермистик мазмундаги материалларни ушлаб қолишда фаол қатнашадилар.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Postda” мухбири.
Жиззах вилояти.